



Ўша оиламиз бошига огир кулфат тушган куни, мен, ўн яшар бола, нимадандир кўнглим гаш, уйимиз рўпарасидаги пахса деворга чикиб, ўзимча гўё отга миниб ўтирардим. У махалда биз Туркистон шахрининг энг сўлим жойларидан бири — Лагер кўчасида икки хонадан иборат, олди айвон, ўша замон имкониятига кўра тузуккина уйда истикомат килардик. Бу уйнинг каттагина ховлиси хам бор эди. Икки каватли улкан дарвоза оркали кирадиган бу ховлида биздан ташкари яна бир нечта хонадон яшарди. Дарвозанинг устида курук пичан сакланадиган болохона бўлар, биз, болалар окшом пайтлари беркинмачок ўйнаганда болохонага чикиб пичан тагида «жон саклардик».

Оиламиз бошига мусибат тушган ўша машъум кундан бир неча ой мукаддам дадам уйимиздаги деярли барча китобларни уч-тўрт копга солиб, беда тагига яширгану, болохона эшигига отнинг калласидек кулф осиб кўйгандилар. Эндиликда болохонага ҳеч ким киролмас, факат мен гохо-гохо туйнукдан тушиб, коплардаги китобларни, айникса серсурат, калин китобларни туйнук шуъласига солиб, томоша килиб ўтиришни ёктирардим.

Бу суратлар хам жуда галати, уларнинг аксари чарм палто кийиб, белларига килич ватўппонча такиб олган харбий, баъзилари эса от ўйнатган, кизил алвон кўтариб душман сари от суриб кетаётган марду майдонлар бўлса хам, негадир барчасининг кўзлари ўйиб олинган ёки юзларига кўк сиёх тортилган эди. Нега шундай? Мен бу сир-асрорнинг тагига етолмай кийналардим, дадамлардан сўрашга эса юрагим дов бермас, сабаби, дадамлар кахри каттик одам эди, «бу китобларни сенга ким кўрсатди» деб дашном беришлари мумкин эди.

Ўша қора кун хам, нимадандир кўнглим нотинч, китоб титиш эсимга тушиб томга чикдим. Аммо таниш туйнукка якинлашганимда кўчанинг бошида кўш от кўшилган чиройли фойтунга кўзим тушди. Сал ўтмай, фойтун дарвозамиз рўпарасига келиб тўхтади. Ундан ўша пайтларда барча катталар учун расм бўлган яшил ранг галифе шим ва гимнастёрка кийган ўрта яшар икки киши билан кизил кўйлакли, кўзлари кийгоч бир аёл тушди.

Эркаклардан бири томда мени кўриб қолиб:

— Эгамберди Жакиповнинг уйи шулма? — деб сўради.

— Шу, — дедим мен. Шу пайт ховлидан чиккан ойимларнинг:

— Келинлар, мехмонлар, хуш келибсизлар, — деган овози эшитилди. Мен болохона устунидан сирпаниб, ерга сакраб тушдим. Мехмонлар ичкарига киришган, ойимлар аллакандай хаяжонда эдилар.

— Даданнинг махкамасига чоп! — дедилар ойимлар нега-дир шивирлаб.

— Айт: САКУда бирга ўқишган огайнилариингиз келишди, де! Кутиб ўтиришибди, тезрок келар экансиз, де! Ха, айтмоқчи, бирйўла мактабга бориб, опанг билан поччангга хам айт — тезрок келишсин. Дастурхон-пастурхонга карашиб юборишсин!

Мен негадир, афтидан «мехмон» сўзидан кўнглим ёришиб, икки оёгимни кўлимга олиб чопа кетдим. Гарчи поччам билан катта опамлар ўқитувчилик киладиган мактаб

дадамлар ишлайдиган махкамадан хийла нарида бўлса-да, аввал ўша томонга ўтиб, ойимларнинг гапини опамларга айтдим, сўнг, хамон икки оёгим кўлимда, ялангоёк, ялангбош, кўча чангитиб дадамларнинг махкамасига караб чопдим.

Дадамлар бир махаллар Козогистон Халк комиссарлари совети кошйда тузилган майда миллатлар (асосан ўзбеклар) халк комиссари лавозимида ишлаган, САКУни тугатганларидан кейин эса Ўзбекистонда қолишни истамай («Мени Козогистон ўқитган, Козогистоннинг нонини оқлайман») хозирги Чимкент вилоятининг Сайрам районида биринчи котиб, кейинроқ эса Козогистон темир йўли Сиёсий бошкармаси бошлигининг биринчи ўринбосари вазифаларида хизмат қилганлар. Лекин кейинги йиллар «Отанг сўфи бўлган, сен буни яширгансан», деган айбнома билан пастга сурила-сурила, юмалай-юмалай охир пировардида Туркистон тумани молия бўлимига мудир этиб тайинланган эдилар.

Рахматли бувамлар Ёкуб (жонлари жаннатда бўлгай!) хакикатан Карнок кишлогининг энг катта масжидида то инкилобгача сўфилик қилгандилар. Одамларнинг айтишича, у кишининг овозлари шу даражада зўр бўлган эмишки, хар субҳидам масжид мезанасига чиқиб азон айтганларида нафакат ўн минг кишилик Карнок ахли, балки ўттиз чакирим наридаги Туркистон намозхонлари ҳам эшитган эмишлар. Шу боисдан Карнок ахли бувамларнинг исмларига Шайх сўзини кўшиб, Ёкуб шайх деб атаганлар... Лекин ўн олтинчи йилги каттик кургокчиликда бобомиз Ёкуб шайх огир ахволга тушганлар. Шу боис отамиз оиласини бока олмай, бир-икки кўй, бир-икки коп галла эвазига бир бойнинг ўгли ўрнига мардикорликка кетганлар-у, уёқдан болшевой бўлиб қайтганлар. Шу-шу, ота-бола бири — шайх, бири — болшевой, кип-кизил синфий душманга айланганлар. Дадамларнинг махкамаси улкан савдогар қурган ва эндилик-да партия кўмитаси жойлашган кўркам бинонинг шундоқ бикинига жойлашган эди. Мен борганимда дадамлар ҳам идорадан чиккан эканлар. Мени узоқдан кўриб дарвоза олдида тўхтадилар. Дадамлар тўладан келган, ноача, киррабурун, ўша даврда расм бўлган тўмток мўйловли, хушқад, салобатли киши эдилар. Эғнидаги либоси хозир хотирамда йўқ, агар янглишмасам ўша махалда дохий Сталинга таклидан кийиладиган кўкрак чўнтакли яшил костюм ва галифе шим кийган, оёқларида ҳам ўша замонларда расм бўлган гарч-гурч хром этик.

Рахматлик дадамлар, уйқусизликданми, бошками — кўзлари кизарган, аллақандай хоргин кўриндилар менга. У киши хансирай-хансирай айтган гапларимни эшитдилар-у, чехралари еал ёришиб:

— Юр, болам! — дедилар бошимни силаб.

— Сенга битта музкаймок оберай!

Боя айтганимдек, дадамлар дийдаси каттиқроқ, ўқтам, камгап одам эдилар. Ўша кунгача мен у кишининг бирор марта бошимни силаганларини билмасдим. Аксинча, хануз эсимдан чикмайди: дадамлар ур қалтак, сур қалтак тагидан чиколмай, ишдан хайдала-хайдала охир пировардида кишлокка қайтиб, уйда кўкрагини захга бериб ётган пайтлар. Бир кун ойимлар кўлимга пул ва икки-уч литрли графин (дадамлар катта лавозимларда ишлаган махалда орттирган нодир матох) тутқазиб:

— Дўконга кириб кимиз олиб чик, даданг айтдилар! — дедилар.

Дўконга кирсам кимиз тугаган экан. Мен парвойи фалак, кўлимдаги графинни ўйнатиб уйга қайтдим. Йўлим ёғоч ва темир козиклар коқилган мол бозоридан ўтарди. Тўсатдан нимадир «шак» этди. Карасам, кўлимдаги графин темир козик-лардан бирига тегиб, тангадай жойи ўпирилиб тушибди. Юрагим оркамга тортиб кетди. Уйга қайтишга журъат

килолмай анчагача богимиз пойидаги сой бўйида айланиб юрдим. Нихоят, юрагимни ховучлаб уйга кириб бордим. Ойимлар мени кўриб:

— Каёкларда дайдиб юрибсан, бевош? Даданг шўрлик кутавериб диккинафас бўп кетдилар-ку! — деб койидилар, сўнг графиндаги тешикка кўзлари тушиб, кўлимдан ушлаган-ча ичкарига сўдрадилар.

Дадамлар улкан, чорхари уйимизнинг тўрида китоб вараклаб, ёнбошлаб ётардилар.

— Дўконда кимиз йўк экан, бу хам етмагандек, ўглингиз графинни синдириб кўйибди...

— Ойимлар шундай деб графинни дадамларнинг олдидаги хонтахтага кўйдилар.

Кейинчалик ойимлар бу ишларидан пушаймон бўлиб кўп гапирганлар. «Нега шундай килганимни ўзим хам билмайман, болам, дадангларнинг ночор ахволи хаммамизни эзиб кўйган эди», дегувчи эдилар раҳматлик.

Дадамлар шитоб билан кадларини ростладидару хонтахтадаги графинни, олиб, менга караб отдилар. Зарб билан отилган графин шундок кулогим тагидан ўтиб (чамаси, жонхолатда бошимни олиб кочган бўлс.ам керак!) деворга тегиб чил-чил синди.

Мен тура кочдим, кочарканман, ойимларнинг:

— Кимиз хам ўлсин! Кимиз деб боламини ўлдирмокчимисиз, адаси? — деган аччик фарёдини эшитдим.

Ойимларнинг айтишича, кейинчалик дадамлар хам бу килмишидан пушаймон бўлганлар. Ким билсин, эхтимол бошига огир мусибат тушишини сезиб юргани учундир, эхтимол бир махал дилимга озор бергани эсига тушиб, уни кўнглимдан чикармокчи бўлгандир, хар калай, умримда биринчи бор бошимни силаб, музкаймок оберишга ахд кихрдилар.

Кўчанинг нариги юзида сахар боги бўлар, бог олдидаги майдончада хар хил сув, мева шарбатлари, музкаймок сотиладиган митти-митти дўкончалар бўларди. Борсак, дўконлар ёпилган экан. Дадамлар астойдил ранжидилар.

— Умримда бир марта сенга музкаймок олиб бермокчи бўлгандим, бу хам насиб килмади-ёв, болам!—дедилар у киши аллакандай чукур ўкинч билан.

Уйга борганимизда чироклар ёнган, ховлидаги ўчокка козон осилган, биздан аввал етиб келган катта опамлар билан ойимлар ўчок атрофида куймаланиб юришар, поччамлар кўринмас эдилар.

Дадамлар ичкарига кириб кетдилару дархол кайтиб чикдилар. Чехралари очилган, кайфлари чоғ эди.

— САКУда бирга ўкиган эски кадрдонларим келишипти. Калай, тузукрок гўшт-пўштаринг борми, Гулшан? — дедилар дадамлар ойимларга караб. — Бор бисотингни дастурхонга тўкасан бугун...

Мархум волидамизда жиндак шаддодлик бўларди.

— Сиз козон-ўчок атрофида айланавермай ичкарига кириб мехмонларингизга карайверинг! — дедилар шартта кесиб.

Дадамлар ойимларнинг бу сал ясама кўрслигига кулим-сираб, ичкарига кириб кетдилар. Ховлимизда, шундок ўчок ёнида бир туп гужум ўсар, гужум тагида чукур кудук бўлар, иссик ёз ва илик куз кунлари гўштни шу кудукда асрардик.

Ойимлар менга кудукдан гўшт олиб бер, дедилар. Мен кудук чангирогининг дастасини айлантириб, гўшт осилган чангакни торта бошладим-у, тўсатдан кўчадан кириб келган икки харбийга кўзим тушиб, негадир юрагим оркамга тортиб кетди. Улар ўчок атрофида куймаланиб юрган ойимлар билан опамларга бир караб кўйдилар-да, этиклари билан ерни тап-тап босиб айвонга чикишди. Айвондан уйга киришди. Харбийларни кўришлари биланок турган жойларида тош котиб колган ойимлар билан опамлар бирдан дод

солишиб, уйга караб югуришди. Кудук чангирогини беихтиёр кўйиб юбориб мен ҳам кетларидан чопдим.

Мен ўша пайтлар мамлакатимизда ва хатто шахримизда нима бўлаётганидан беҳабар эдим, албатта. Шу боис ойимлар билан опамларнинг харбийларни кўришлари биланок фарёд чекиб, ичкарига отилишлари сабабини англамадим. Аммо улар мудхиш мақсад билан келишганини ақл билан бўлмаса-да, юрак билан хис этгандим. Кейин билсам, ўша даврда ҳамма жойда бўлганидек, Туркистонда ҳам хар куни, хар дакикада кўплаб одамлар хибсга олинган экан. Ойимлар ва опамлар бундан беҳабар бўлганлари учун ҳам харбийларни кўриб дод солишгак экан. Эшикдан киришим билан харбийлардан бири — новчадан келган, малла сочларининг учлари кошларига нафис эгилиб тушган хушсурат ўрис капитан полни гарч-гурч босиб, эшикка келди-да, унинг илмогини солиб:

— Тинтув тугагунча энди хеч ким уйга кирмайдиам, чикмайдиам!—деди юракка гулгула солувчи бир катъият билан.

Уйда кийчув бошланган, катта опамлар ўрта эшикда хайкалдай котиб колган дадамларнинг бўйнига осилиб йигламоқда, ойимлар ҳам дадамларнинг елкасига суяниб, унсиз титрамоқ-да, кичик опамлар билан укаларим бурчакка тикилишиб, худди калхатлардан кўрккан жўжалардай, кўзлари ола-кула, бир-бирининг пйнжига кириб олишганди.

Икки тавакали ўрта эшик ланг очик, ичкари хонанинг тўри-да САКУда дадамлар билан бирга ўкиган мехмонлар, ранг-ларида ранг йўк, типпа-тик серрайиб туришарди. Иккинчи харбий эса ичкари уйдаги катта кизил шкафга терилган китоб ва албомларни битта-битта кўздан ўтказмоқда эди.

Китобларнинг деярли ҳаммаси кизил жилдли Ленин асарлари эди. Тинтув бошлаган харбий Ленин асарларига тегмас, калин, серсурат албомларни эса вараклаб кўриб беписанд ерга ташлар эди. Хануз эсимда: бу албомлар ҳам худди болохонадаги китоблар каби, аллакандай рахбарларнинг суратларига тўла бўлиб, уларнинг ҳам аксари аллақачон камалгани учун (буни мен кейин билдим, албатта) юзларига кўк сиёх чапланган, кўзлари ўйиб олинган, баъзи суратларнинг каллалари «кесиб» ташланган эди. Беписанд харбий (агар янгишмасам, у ҳам капитан эди) албомларни кўздан кечирар-кан, дам улардаги кўзлари ўйилган, бошлари «кесилган» суратларга, дам дадамларга караб:

— Кўриниб турибди, жа гоёвий эканлар! — дерди мийиги-да кулимсираб.

Хушсурат малласоч капитан эса ташки хонадаги кутилар, сандик ва сандикчалар, шкафларнинг тортмаларини очиб, улардаги буюмларни титкилар, латта-путталар орасидан алланималарни кидирар эди. НавбатДаги шкафга келганда харбий харчанд уринмасин, унинг пастки тортмаларини очолмади. Уйда бирорта сандик ё шкаф йўк эдики, мен уни очолмасам. Капитаннинг кийналаётганини кўриб, мен кўлимга мих олди-му пилдираб бориб шкафнинг тортмасини шартта очиб бер-дим. Капитан чехраси ёришиб кулди-да:

— Маладес!—деди бошимни силаб.

—Келгусида Павлик Морозов чикади сендан!

Капитаннинг бу кутилмаган мактовидан юрагим «жиз» этди. Кейинчалик, катта бўлганимда, мен уйдаги дод-фарёдга карамасдан отамни камашга келган жаллоднинг мактовидан бир зумгина бўлса-да, яйраб кетганимни хар эслаганимда бир ўзимдан ижирганиб юрдим. Аммо ўша дакикада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан гурурланиб кетганим ҳам хакикат, мудхиш хакикат!

Шу пайт дадамларнинг:

— Сув!—деган овозлари эшитилди.

—Бир пиёла кудук суви беринглар, юрагим куйиб кетяпти!

Уйда сув йўк экан. Опам йигидан тўхтаб:

— Ўрток капитан! — дедилар хикиллаб.

— Рухсат беринг, укам кудукдан сув олиб кирсин!

Капитан шкаф тортмасидан бошини кўтариб:

— Агар дод-войингни кўйсанг — рухсат бераман! — деди ва кулди: — Шундай чиройли киз хам бунака йиглоки бўлади-ми?

Капитаннинг мени Павлик Морозовга ўхшатгани менга канчалик хуш ёккан бўлса, унинг опамларга килаётган сохта хушодади шунчалик ёкмади. Лекин нима хам килардим?

Челакни олиб ташкарига отилдим. Ховлидаги чирок ўчган, айвондан узокрокда, кудук ёнидаги гужум панасида кимдир коккан козикдек каккайиб турарди. Бу — поччамлар эди. У лом-мим демасдан кўлидаги чакалокни менга тутказиб, КУДУКДан ярим челак сув олиб берди-да, шарпасиз одимлаб ховлининг коронги бурчагига караб кетди.

Кейинчалик мархум ойимлар кўп айтгуси эдилар:

— Ўша куни поччангни худо ўзи асради! Агар поччанг опанг билан бирга келганида, ким билсин, уни хам бирга опкетишармиди бу тошбагирлар?

Ойимларнинг бу гапида жон бор эди, чунки тинтув тугаб, дадамларни олиб кетаётганларида харбийлар САКУчи шўрлик мехмонларга Туркистондан кетишдан аввал НКВДга бориб,

рухсат олишлари шарт эканини уктиришиб, кўлларида тилхат олишди.

Мен ярим челак сувни кўтариб, ичкарига кирганимда, дадамлар стулда ўтириб, оёқлари тагида хамон дод солиб йиглаётган катта опамлар билан ойимларни тинчителишга ури-нардилар. Азалдан корамагиз одам, дадамлар бир зумдаёк бамисоли оловда колган арчадек кбрайиб кетгандилар. Ойимлар тоқчадан коса олиб бердилар. Дадамлар бир коса муздай кудук сувини битта сипкориб:

— Кўй, йиглама, кизим, йиглама, Гулшан! — дедилар огир хансираб.

— Партия олдида тарикча гунохим йўк! Ўрток Сталин тирик экан, бу тухматлардан куткариб олади хали!

Дадамлар кудук сувини косалаб сипкорар эдилару шу битта гапни кайта-кайта такрорлардилар:

— Партия олдида бегунохман, Гулшан! Ўрток Сталин бархаёт экан, бизни буларнинг оёги остига ташлаб кўймайди!

Мен хозир, шахсга сизиниш даврининг мудхиш кирдикорла-ри, мудхиш инкилоб дохийлари, айникса, Сталин хукмронлиги даврида юз берган шафкатсиз катлу киргинлар, миллион-миллион бегунох кишиларнинг бошига тўшган гурбатлар, ота боладан, бола отадан аирилиб, одамларнинг кўзёши дарё бўлиб оккак ўша зимистон йиллар хакида ўйлаганимда, дадамларнинг Сталин тўгрисида айтган гапларини эслаб, хайрон бўламан. «Нахот отам бу киргинбаротни кўрмаган-сизмаган бўлсалар, нахот Сталин бу жабру ситамлардан беҳабар эди, деган содда, бемантик сўзларга ишонган бўлсалар?», деган фикр бот-бот кўнглимдан ўтади.

Лекин ундай десам... ўша даврда хукм сурган инкилоб чавандозлари орасида машъум Октябрнинг сохта оташин чакириклари, жўшқин кўшиклари, алвонлари, «дохийянинг алангали нуткларига астойдил ишонган, бўлаётган катлу киргинларнинг хаммаси инсоният бахти учун килиняпти, деган мудхиш ёлгонга учган соддадил, оккўнгил

одамлар оз бўлганми?

Албатта, юракни зиркиратувчи бу ўйлар менинг хаёлимга кўп йиллардан кейин ўша даврлардаги дахшатли воқеалар фош қилиниб, кўзимиз очилганда келди. У махалда эса...

Билмадим, тинтув канча давом этди. Лекин дадамлар кудук сувини сипкорагсипкора, «Ўртоқ Сталин содик фарзандларини хор-зор кўймайди», деган гапни такрорлай-такрорлай ярим челак сувни ичиб тугатганлари хануз эсимда.

Мен кейинчалик бу гапни айтсам кўплар ишонмай:

— Кўйинг-э, одам боласиям ярим челак сувни ича олади-ми? — дегувчилар ҳам бўлди, аммо мен, ўн-ўн бир яшар бола, буни ўз кўзим билан кўрганман, дадамларнинг ўша сўзларини ўз кулогим билан эшитганман! Ичи ёниб кетаётган одам ярим челак у ёқда турсин, бир челак сувни ҳам ичади!

Нихоят, тинтув тугади. Дадамларга кийинишни буюрдилар. Ойимлар билан опамларнинг ноласи кўкка чикиб, уйимиз аччик фарёддан зир титради. Ойимлар дадамларнинг елкаси-га палтосини илдилар, САКУни битирган шўрлик мехмонлар-га тузалган дастурхондан илинган нарсани рўмолга тугиб, кўлларига тўткиздилар.

Боягидан ҳам баттар қорайиб, бир зумда аллакандай озиб, мункайиб қолган дадамлар аввал ҳамон фарёд чекаётган ойимлар билан опамлар, сўнг какшаб-қалтираб қолган ука-ларимнинг пешоналаридан ўпдилару, навбат менга келганда:

— Хай, аттанг! — дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. — Умримда бир марта сенга музкаймок рўйб бермокчи бўлувдим. Шуниям эвлаёлмадим-ов, болам!..

Бутун тинтув давомида кўзимга ёш олмаган, «келгусида Павлик Морозов бўласан», деган сўзлардан шишиб кетган норасида, бирдан ҳамма нарса — дадамларнинг ҳеч қачон эркаламаганини ҳам, дўқондан қимиз тополмай қайтганимда графинни қулочкашлаб отганлари ҳам — ҳаммаси эсимдан чикдию аламли чинкирик билан дадамларнинг тиззаларини қучоклаб олдим...

...Бир неча бй ўтди. Бу орада хонадонимиз мотамсаро бир маконга айланди. Киш яқинлашиб қолган, кун сайин унинг қахрли нафаси қучайиб борар, уйда эса на ўтин бор, на кўмир!.. Биз танча қуриб, бир амаллаб кун кечирамиз.

Хафтада бир марта, янглишмасам, шанба кунлари дадамга овқат олишади. Ойимлар бир амаллаб топган-тутганларини пиширадилару тонг махал у киши билан бирга авахтага равона бўламиз.

Туркистонда, Қул Хўжа Аҳмад Яссавий макбарасининг шундоқ бикинида Ўрта Осиёни забт этган генерал Черняев қурдирган беш-олтита мустаҳкам гиштин бинолар бўларди. Черняев бу биноларни чор аскарлари учун қурдирган, Совет хокимияти эса уларни камоқхонага айлантиргану атрофини тиканли сим билан ўраб ташлаган.

Хар шанба тиканли сим билан чегараланган бу қалъа рўпа-расига камида 150—200 аёл, қол-қампирлар йигилишади, булар «халқ душманлари»нинг оила аъзолари. Ёш-ёш жувонлар қалтираб қолган кексалар хибсхона ходимларининг овқат қабул қилишини қутиб, эрталабдан кечгача тиканли сим олдида дийдираб туришади. Ойимлар камоқхонага қохида мени ҳам етаклаб боришларига сабаб — мабодо дадамлар билан юз кўришиш насиб этса отамлар мени кўриб қолсинлар деган ниятда эдилар. Лекин дадамларни бирор марта кўрсатишмади, кўрсатишмаганлари ҳам майли, бот-бот олиб борган овқатларимизни қабул қилмасдан қайтариб юборишарди. Тохо мен бир неча соат махтал бўлиб қутганимдан кейин бирор бахонани рўқач қилиб, хибсхонанинг шундоқ

ёнгинасидаги шахар богига караб чопардим. У ерда худонинг куни борки, митинг бўлар, шахар мактабларидан ногоралар гумбури ва карнай-сурнайлар садоси остида пионерлар ва хатто октябратлар саф тортиб бокка келишар-ди. Бог ўртасига кизил алвон билан ўралган улкан минбар ўрнатилган бўлиб, чарм палто кийган, тўппонча таккан фаоллар унга чикиб ваъз айтишар, ваъзларнинг аксарияти тротскийчилар ва уларнинг «думиларини фош килишга багишланарди. Бу ваъзхонликларнинг дахшатли томони шунда эдики, бугун Тротскийнинг «думиларини фош этиб, оташин нутк сўзлаган нотикларнинг аксари эртасига ўзлари «думига айланиб, фош этилганлар рўйхатига тушиб колишарди.

Мени бу митингларга боришга ниМа чорлаганини хануз тушунолмаيمان. Афтидан, карнай-сурнай ва ногоралар садосию саф тортиб ўтадиган тенгдошларимнинг кувнок ва жўшкин кўшиклари бўлса ажаб эмас. Чунки бу гумбур-гумбур садолару оташин кўшиклар кулогимга чалиниши билан худди ногорага ўрганган харбий отдай оёкларим ўз-ўзидан раксга тушиб, юрагим хаприкиб кетаверарди. Факат бир нарса мургак калбимни эзар, у хам бўлса минбардан туриб айтиладиган нуткларда баъзи-баъзида дадамларнинг номи хам «дум»лар катори тилга олинарди. Лекин шундай пайтларда дадамлар-нинг Сталин тўгрисидаги сўзлари эсимга тушардию юрагимга куйилиб келган аламли туйгуни хайдардим. Бу хол токи шахар комсомол кўмитасининг котиби билан юзма-юз келгунимча давом этди.

Бу ёш, хушқад, хушсурат йигитча бизга кўшни эди. Оиламиз бошига мусибат тушгунга қадар, у хонадонимизга бўзчининг моксидек катнар, дадамлар билан кечалари узок сухбатла-шиб ўтирарди. У ўша ёзда уйланган, хотини хам, ўзига ўхшаш кўхлик, хушқад, хушсурат эди. Дадамлар уларнинг тўйларига тўйбоши бўлган, ойимларнинг айтишича, дадамлар унга моддий ёрдам хам берган эканлар.

Дадамлар камалганларидан кейин ёш кўшнимиз корасини хам кўрсатмайдиган бўлди. Бунга ажабланмаса хам бўларди, чунки шогирд тугул кариндош-уруглари хам бу огир, гурбатли кунларда уйимизни четлаб ўтишар, битта-яримта келса хам кечалари кўрка-писа келиб, сўнг девор паналаб кайтиб кетар-ди.

Шанба куни эди. Чамаси, камалганлар сони кўпайган, чунки авахтага овкат кўтариб келганлар сони анча ортган, навбат кутаётганларнинг думи кўринмасди. Кун совук, севалаб майда ёмгир ёгарди. Шу бойсданми, бошками, ойимлар мен сўрамасданок уйга кетишимга рухсат бердилар. Мен тинимсиз майдалаб ёгаётган ёмгирдан дийдираб, уйимизга томон равона бўлдим тўсатдан бог томонда янграган ногоралар гумоирю карнай-сурнайлар садосини эшитиб, беихтиёр тўхтадим.

Ногоралар ва карнай-сурнайлар садоси тобора авжга чикмокда, чамаси, одатдагидан хам катта митинг бошланмокда эди. Ўргатилган отга ўхшаб яна ногоралар гумбирлаётган томонга бурилдим. Хакикатан хам ёмгирга карамай, пионерлар хар томондан саф-саф бўлиб бокка ёпирилиб келишарди.

Дарвозага якинлашиб колганимда ногахон рўпара томондан келаётган кўшнимиз — шахар комсомол кўмитасининг котибига кўзим тушди. У бир ўзи эмас, чарм палтолик харбий одам билан уч бурчак сокол кўйган жиккаккина мўйсафид куршовида келарди. Котибни кўришим билан юрагим негадир «шув» этиб, бокка шўнгишга чоғландим, аммо котиб бир сакрашда йўлимни тўсиб, билагимдан шаппа ушлади-да:

— Ха, кашкирдан тугилган кашкирча! — деди титрок босиб. — Битта шалток бузок бир подани бузади! Бўйнингга сохта кизил галстук такиб, бу софдил кизил пионерларни

бузмокчимисан? — У кўлимни огритиб сикканча ўзига торта бошлади. Лекин шу пайт жиккак мўйсафид:

— Кўйиб юбор болапакирни! — деди орага тушиб. — Ўртоқ Сталин айтди-ку, бола отаси учун жавоб бермайди, деб! Гунохи нима бу норасиданинг?

Ёш котиб ковогидан кор ёкканча бир карияга, бир чарм палтоли харбийга каради-да, кўлимни кўйиб юборди ва: «Йўкол кўзимдан!», деб ўшқирди.

Шундан кейин нима бўлди, нима кўйди — хозир эсимда йўк, факат котибнинг омбирдек мётин чангалидан чикдиму томогимни гип бўккан кўз ёшини юта-юта, саф-саф бўлиб ўтаётган бахтли тенгдошларим ёнидан катта кўча томон отилдим...

Дадамлар хибсга олинганидан сўнг уч-тўрт ой ўтди хамки, у киши билан бирор марта кўриша олмадик. Бутун шахар хануз тахликада, хамма жойда, хатто мактабларда хам душман кидириш хамон давом этарди. Сира эсимдан чикмайди. Ўша йили улуг рус шоири Пушкин вафотининг 100 йиллиги нишонланар эди. Бу гамгин санага аталиб канака тадбирлар белгиланди, канака китоблар чикарилди, канака мажлислар, адабий кечалар ўтказилди — буни билмайман. Аммо ўша санага аталиб ўқувчилар учун дафтар чикарилгани ёдимда. Миллион-миллион нусхада чикарилган бу дафтарларнинг олд муковасида болаликдан хаммамизга таниш жингалак соч, хабашчехра шоирнинг сурати солинган, мукованинг охириги бетига эса шоир эртакларидан бирига чизилган сурат берилган эди. Аввал бошда хеч қандай гап йўк эди. Кейин тўсатдан шахарда, жумладан мен ўқийдиган Ленин номидаги мактабда хам вахимали миш-мишлар тарқалди. Гўё Пушкин юбилейига чикарилган бу дафтарлар, тўғрироғи, дафтар муковасидаги суратларга аксилинкилобий сўзлар битилган эмиш! Кимки Пушкиннинг соч ва соколлари, айникса, мукова охиридаги эртакларга чизилган суратларни эътибор билан кўздан кечирса, шоирнинг жингалак сочларию эртакларга чизилган суратларни хушёрлик билан нигохидан ўтказса, маккорона битилган аксилинкилобий сўзларни топиши мумкин эмиш! Мен ўқийдиган 3-«А» синфида ёши анчага борган, тишлари тўкилиб қолган, аммо жуда мулоим, меҳрибон рус кампири дарс берарди. Бир ойдан бери бу кампир—хозир исм-шарифлари ёдимда йўк — касал бўлиб, ўрнига ёш татар йигитча дарс бера бошлаган эди. Каттик оксокланиб юрадиган бу йигитча бизга кўшни бўлмиш райком котибининг кайниси бўлиб, дадам камалганларидан кейин менга ўқрайиб қарай бошлаган эди. Аммо хаётнинг ўйинини қарангки, дадамлар-дан кейин бир хафта ўтар-ўтмас ёш ўқитувчимизнинг поччаси хам хибсга олинди, «халқ душмани» деб эълон қилинган эди. Шу-шу баттар мунгайиб, аввалгидан баттар оксокланиб қолган ўқитувчи менга ачиниб қарайдиган, йўлакдами, ховлидами — танхо юрганимни кўрса, бошимни силайдиган бўлиб қолганди. «Пушкин суратлари ичига қабих аксилинкилобий сўзлар ёзилган эмиш», деган гап тарқалган қуни ёш ўқитувчимиз синфимизга жуда хомуш бир киефада кириб келди. У мунгли кўзлари билан болаларга узок тикилиб тургач:

— Болалар! — деди аллақандай ёлвориб.

— Кани, кеча тарқатилган дафтарларингни олинглар-чи! Халиги... муковаларига Пушкин сурати солинган дафтарларингни айтяпман!.. Олдиларингми? Эҳтимол, эшитгандирсизлар, ашаддий душманларимиз маккорона чизилган харфлар воситасида СССРга қарши сўзлар ёзишти! Бу мудҳиш сўзларни топган пионерлар бор. Уларнинг суратлари эртага фахрий доскага осилади.

Нахот бизнинг синфимизда бирорта хушёр пионер топилмаса? Кани, суратларга яхшилаб қаранглар! Шояд сизлар хам душманларимизнинг бу қабих сўзларини топиб, уларни қош этсаларинг!

Ёш ўқитувчи шундай деб менга ўзгача бир умид билан караб кўйди, Хар калай менга шундай туюлдию олдимдаги дафтарга чизилган суратларга тикилиб, жон-жаҳдим билан маккорона чизилган харфларни кидира бошладим...

Асабларим таранг тортилган, миям назаримда лахча чўкка айланган эди. «Нахот жонажон ҳукуматимизга карши ёзилган бу мудхиш сўзларни топиб, душманларнинг кирдикорларини фош этолмасам? Йўк, топаман! Топганда ҳам биринчи бўлиб топаман. Иккинчи бўлишнинг фойдаси йўк!.. Тўхта, шоир елкасидаги мана бу гажак тола нимани эслатади? «С» харфининг ўзгинаси-ку!.. Унинг ёнидаги гажак-чи? У ҳам «С»! Унинг ёнидагиси ҳам! Мана буниси «Р»нинг ўзгинаси-ку! Вой, тавба! Бу баттоллар «СССР» деб ёзиб кўйишибди-ку, боядан бери шуни ҳам кўрмапман-а?.. Мана бу гажак тола-чи? Куйиб кўйгандек «Д»-ку! Ундан кейинги гажак-чи? «Овнинг худди ўзгинаси-ку! «О» бўлган жойда «Л» ҳам бўлиши керак! Мана «Л»! Ёнгинасида эса «Ой»га ўхшаш иккита гажак каторлашиб турибди! «Долой СССР!», яъни «Йўқолсин СССР!» деган гап-ку бу!» Мен хаяжондан нафасим бўғилиб:

— Топдим, муаллим, топдим! — деб бакириб юбордим. Мажруҳ ўқитувчим текис полда кокилиб-суриниб оксоклана-оксоклана ёнимга келди. Синф тўла ўқувчилар ҳам «гурр» этиб ўринларидан турдилар-да, устимга ёпирилдилар.

Мен худди безгак тутгандек дир-дир титраб, улуг шоирнинг жингалак сочлари орасидан топган мудхиш харфларни кўрсата бошладим. Нихоят, кўрсатиб бўлиб, тенгдошларимга магрур карадим. Синфга чўккан огир сукунат ичидан тўсатдан ўқитувчимизнинг:

— Маладес!—деган хитоби эшитилди. — Хушёр пионер деб шуни айтадилар!

Хамма менга хасад билан қарар, мен ўзимни чинакам қахрамон ҳис қилардим.

— Кани, дафтарларингни йигиб беринглар! Бир соатдан кейин спорт майдонига бутун мактаб тўпланади. Хаммамиз бирга бу мудхиш дафтарни ёкиш маросимида катнашамиз! Ўқитувчимиз оксоклана-оксоклана синфдан чиқиб кетди, лекин бир соат тугул икки соат ўтди ҳамки, у қайтмади. Сўнг дафтарларни ёкиш маросими бошка кунга қолдирилипти, деган хабар келдию уй-уйимизга тарқалдик.

Кечкурун мен кундузи бўлган воқеани хаяжондан энтика-энтика оймларга айтиб бердим.

Оймлар мен кутган мактов ўрнига:

— Хой, болам-ов, болам-ов! — дедилар тўсатдан кўзларига ёш олиб. — Сенга нима бўлди, болам-ов!

— Менга нима бўпти? Нега бундай дейсиз, ойижон? — дедим ранжиб.

— Хеч нима... Илоё даданга ўхшаб қаҳри каттик бўлма. Оллодан биттаю битта тилагим шу, болам.

Оймларнинг гапига яхши тушунмадим. Эрталаб мактабга, тўғрироғи, залда осилган ҳурмат тахтасига караб чопдим. Надоматлар бўлсинким, рўйхатда менинг номим йўқ эди! Кўзларимга ишонмай рўйхатга бир неча марта кўз югуртириб чикдим: йўқ, на номим, на суратим бор! Душманнинг ёвуз кирдикорини фош этган хамма хушёр пионерларнинг сурати ҳурмат тахтасига осилган-у, битта менинг суратим йўқ! Афтидан, кимдир хушёрлик қилиб халқ душмани фарзандининг суратини ҳурмат тахтасига осиб мумкин

эмаслигини айтиб, мендан ҳам хушёррок бўлган!

Мана, бу воқеаларнинг содир бўлганига ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Шахсга сизиниш даврининг не-не жиноятлари фош этилди. Бу жиноятлар қандай дахшатли бўлмасин, назаримда, уларнинг энг ёмони — катталар етмагандек, мендай гўдақларни ҳам ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ҳаммаёк-дан ёвуз кирдикорлар қидиришга қаратилган уринишлар деб биламан.

Нихоят, дадамлар билан видолашадиган кун ҳам келди видолашишга уч кишига рухсат беришганди: оймлар, катта опамлар ва менга! Шу боисдан бўлса керак, қариндош-уруғлардан ҳеч ким, на дадамларнинг укалари, на ёр-дўстлари — ҳеч ким келмади.

Оймлар билан опамлар кечаси ухлашмай, дадамлар учун бугдой талкон, сўк талкон ва яна аллақандай нарсалар тайёрлашди. Чунки бу пайт дадамлар озод бўлади деган умид ожиз милтираб турган шамдай сўнган, у кишини узокларга олиб кетишлари чамаси оймларга аён эди.

Эрталаб тўрва-халталарни кўтариб камокхонага қараб йўл рлдик. Бу сафар бизни кўп куттиришмади. Белига чойнақдай тўппонча тақиб олган харбий бизни узун, тор, нимкоронги йўлакдан ичкарига бошлади. Йўлакнинг ярмига борганда ўнг қўлдаги эшикни очиб, бизга йўл берди. Чогроқкина тўртбурчак хонанинг тўридаги стол олдида гимнастёрка қийган, сочлари оппоқ бир одам алланималарни ёзиб ўтирарди.

Дадамлар бурчакда курсида ўтирган эканлар (мен аввал у кишини танитай қолибман!) биз қиришимиз билан дик этиб ўрнидан турдилар. Азалдан барваста, тўладан келган, новча одам бир-икки ой ичида чўпдай олиб, лунжлари ичига ботган, кўзлари қиртайиб, қийғир бурни сўррайиб қолганди.

Яна қамалган кечасидагидек йиги-сиги бошланди. Оймлар-ку, юзини рўмрлига яшириб, жимгина титраб йиглар, лекин опамлар... дадамларнинг бўйниларига осилиб олган опамларнинг фарёди тор хонани зир титратарди.

Кейинчалик марҳум оймлар кўп айтгучи эдилар:

— Ноинсофлар жила курси ярим соат ҳам фурсат бермадилар. Даданг шўрликнинг дийдорига ҳам тўймадик. Берган чорак соатлари кўз очиб юмгунча ўтиб кетди...

Бу сафар чорак соат давом этган видолашув давомида дадамлар бирор марта Сталиннинг номини тилга олмадилар, қамалган кунларидагидек: «Мен партия олдида гунохкор эмасман! Ўртоқ Сталин барҳаёт экан, мени оёкости қилиб қўймайди!», демадилар. Билъакс, бир неча марта кўзларига ёш олиб:

— Мени кечир, Гулшан. Аёл бошинг билан беш болани қандай боқасан — ақлим бовар қилмайди. Энди юз қўришишимизга ҳам кўзим етмайди, кечир мени! — дедилар.

Хар сафар Дадам шундай деганларида столга мукка тушиб, алланималарни ёзаётган киши:

— Хой, Ёкубов! — дерди қогоздан бош қўтармай.

— Сенга нима бўлди? Ёш боламисан, Ёкубов?

Нихоят, бу одам қаршисидаги деворга осилган алмисокдан қолган девор соатига кўз ташлаб:

— Фурсат тугади, Ёкубов. Энди хайрлашинглар! — деб буюрди.

Опамларнинг нидоси баттар авжига чиқди. Оймлар озгина пул олиб келган эканлар, дир-дир титраган қўллари билан дадамларга тутди, дадамлар эса:

— Болаларингга ярат, Гулшан! — деб ёлворар эдилар. Лекин ойм қўнмай, ахийри пулни олишга мажбур қилдилар.

Ойимлар келтирган пул бор-йўги эллик сўм бўлиб, ўнта беш сўмликдан иборат эди. Дадамлар пулни кийнала-кийнала оларканлар, беш сўмликлардан бирини менга узатдилар, Ойимлар пулни мендан олиб, дадамларга кайтариб бермокми бўлгандилар, дадамлар кўнмадилар, кафтларини бошимга кўйиб:

— Сен энди бу уйдаги энг катта эркаксан, болам, — дедилар ва яна кўзига ёш олдилар.—Ойингга ёрдамлашиб, укаларингга караб тургин, болам!

Дадамлар шундай деб беш сўмликни чўнтагимга солдилар. — Умримда бир марта сенга музкаймок олиб бермокчи бўлган эдим, бу хам насиб этмади. Бу пулга дафтар-китоб ол! Колганига музкаймок олиб е, ўглим!..

Боядан бери ойим ва опамларга кўшилиб йиглашни ўзимга эп кўрмай серрайиб турган бола, тўсатдан, худди дадамларни олиб чикиб кетаётган пайтларидагидек юрагимда нимадир дарз кетгандай туюлдию НКВД ходимининг мактовлари хам, аксилинкилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим хам — бари ёдимдан чикиб, «Дадажон!», деганча отамнинг тиззасини кучоклаб олдим.

Бу машъум воқеалардан кейин кўп йиллар ўтди, кўп сувлар окиб кетди. 1955 йили Хрушчёвнинг бутун дунёни ларзага солган машхур нуткидан кейин оиламиз, шахсга сизиниш зулмидан жабр чеккан миллион-миллион оилалар каби дадамларнинг тақдирини, ўлик ё тирик эканини (унгача ёзган ўнлар-ча хатларимизнинг биттасига хам жавоб ололмагандик) сўраб, юкори ташкилотларга мурожаат килдик.

Мактубларнинг биттасини Козогистон Компартияси Марказий Кўмитасига, иккинчисини СССР Давлат хавфсизлиги кўмитасига йўлладик. Тахминан тўрт-беш ойдан кейин бирин-кетин иккита жавоб келди. Жавобларнинг биринчиси Козогистон Марказий Кўмитасидан бўлиб, унда дадамларнинг партиявий иши кўриб чиқилгани, у киши Сталин шахсига сизиниш курбони бўлганлиги эътироф этилган ва 1918 йилдан эътиборан партия аъзоси сифатида тиклангани хабар килинган эди, Иккинчи жавоб Москвадан, Давлат хавфсизлиги кўмитасидан бўлиб, унда айтилишича, дадамлар Узок Шаркдаги кайси бир ўрмон хўжалигида дарахт кесувчи бўлиб ишлаган, 1943 йил киши ойларида (вакти аниқ айтилмаган) дарахт кесаётган пайтида йикилиб вафот этган.

Биринчи жавобдан фаркли ўларок, бу хатда шундай илова хам бор эди. Агар волидамиз (мен ёзган хат, табиий, ойимлар номидан битилган эди) пенсия ёшида бўлсалар, у кишига давлат тегишли микдорда нафака тўлайди. Агар ойимларнинг турар жойи бўлмаса, у киши кўмитадан келган ушбу жавоб асосида шахар советига мурожаат килиб, навбатсиз уй оладилар...

Хар иккала хат хам хакикатни қарор топтириш, адолатни тиклашга қаратилган эди. Аммо мен негадир, эҳтимол, Узок Шаркда олти йил оддий солдат бўлиб, бутун кийинчиликларни бошимдан ўтказганим учундир, ногахон ўзим кўрган бепоён совук ўрмон, қор тагида эгилиб турган дарахтлар, киши кўз олдига келди. Бир зум нигоҳим олдига бу қоронги ўрмонда беҳол имиллаб дарахт кесаётган дадамлар келди, келди-ю, алам, изтироб, меҳр-шафқат ва хўрлик туйғулари тошқиндай гувиллаб вужудимни қамқатиб юборди.

«Йўк! Бу нопоклар 1918 йилдан фирка аъзоси бўлмиш отамни ноҳақ қамайдилар, қариганида хам озод қилишни истамай, қахратон қишда хам ўрмон қесдириб, ўлимга маҳкум этадилар-у, энди ўз гуноҳларини ювиш умидида жудолик азобидан икки букилиб қолган бевасига нафака тўлармишлар, бошпана берармишлар! Йўк, мен битта онамни улар берган садақасиз хам боқиб оламан, уларсиз хам бошпана топиб бераман!»

Хаёлан шундай деб, яхши ният билан ёзилган икки хатни бурда-бурда килиб йиртиб ташладим...